

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ**

ВАХИДОВА НАРГИЗА ТУЛКИНОВНА

**ЖИГАР БЎЛАГИНИ ҚАРИНДОШ ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ УЧУН
ДОНОРЛАРНИ ТЕКШИРИШДА ҲАЖМЛИ
МСКТ-АНГИОГРАФИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.32 - Трансплантология ва сунъий аъзолар
14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Вахидова Наргиза Тулкиновна

Жигар бўлагини қариндош трансплантацияси учун донорларни текширишда ҳажмли МСКТ-ангиографиянинг самарадорлигини баҳолаш 3

Вахидова Наргиза Тулкиновна

Оценка эффективности объемной МСКТ-ангиографии в обследовании доноров для родственной трансплантации фрагмента печени 21

Vakhidova Nargiza Tulkinovna

Evaluation of the effectiveness of volume MSCT angiography in the examination of donors for related transplantation of a liver fragment 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ**

ВАХИДОВА НАРГИЗА ТУЛКИНОВНА

**ЖИГАР БЎЛАГИНИ ҚАРИНДОШ ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ УЧУН
ДОНОРЛАРНИ ТЕКШИРИШДА ҲАЖМЛИ
МСКТ-АНГИОГРАФИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.32 - Трансплантология ва сунъий аъзолар
14.00.19 - Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib760 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джураева Нигора Мухсумовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ибадов Равшан Алиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
«Академик А.М. Гранов номидаги Россия радиология
ва жаррохлик технологиялари илмий маркази»
Федерал давлат бюджет муассасаси

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (118-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «хозирги кунда портал гипертензия (ПГ) билан кечувчи жигар циррози (ЖЦ) ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларининг ўнталигига киради»¹. «Бу патологиянинг ягона радикал усули жигар ортотопик трансплантацияси бўлиб, бу усул яшашнинг максимал муддатларини таъминлайди»². Ушбу мақбул донор аъзони ташлаш йўналишида тирик донордан ОТП энг қулайи бўлиб, посттрансплантацион даврни қониқарли прогнозлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундан ташқари, «жигарнинг яқин қариндошлик трансплантациясининг жиддий қулайлиги - унинг аъзоларнинг таъминот тизимидан холилиги, ҳамда, унинг ортидан, жаррохлик йўли билан даволаш муддатларини режалаштиришдан мустақиллигидадир»³. Донор-реципиент жуфтлиги учун потенциал хавфни камайтиришга йўналтирилган танланган потенциал донорни мукамал текшириш жигарнинг яқин қариндошлик трансплантациясини режалаштиришнинг энг муҳим жихати ҳисобланади. Бугунги кунда, компьютер томографик ангиография (КТ-ангиография) ва магнит-резонанс холангиография (МРХГ) каби визуализациянинг инструментал усуллари потенциал донор танлаб олишда етакчи роль ўйнайди. «КТ-ангиография ва МРХГ нинг асосий вазифаси жигарнинг қолган қисми мақбул хажмини сақлаб қолишда тўлиқ жигар трансплантати олишнинг техник имкониятларини аниқлашдан иборат»⁴.

Хозирги кунда дунё амалиётида жигар ва ўт йўллари қон томирлари КТ-ангиографияси хусусиятларини ўрганиш, турли анатомик вариацияларни, жигар паренхимаси трансформацияси ва жигар трансплантати гемодинамикаси ўзгаришларини прогнозлаш энг долзарб тадқиқотлардан ҳисобланади. Торайиш ёки окклюзияга мойил сегментар веналарни аниқлашни ўз ичига олган жигарнинг қабул қилинадиган трансплантати КТ-волюметрияси мезонларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш давом этмоқда, бу посттрансплантацион асоратлар ривожланиши мониторинги, ўз вақтида ташхислаш ва даволаш, ҳамда жигар трансплантациясидан кейинги касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш учун қўлланилиши мумкин.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий босқичида портал гипертензия билан кечувчи ЖЦ билан касалланган беморларни жаррохлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда, кўпинча, бундай беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли жаррохлик ёрдамни яхшилаш учун қониқарли

¹ World Health Organization. Liver Cirrhosis: fact sheet no.125. World Health Organization website. 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs346/ru>, accessed March 12.

² Bussutil, R.W. Transplantation of the liver. 3rd edition – Philadelphia: Elsevier Saunders, 2015. P. 1485

³ Tautenhahn HM, Rauchfuß F, Ali Deeb A, Bauschke A, Settmacher U. Lebertransplantation durch Lebendspende [Living related liver transplantation]. Chirurg. 2020. German.

⁴ Oğul H, Kantarcı M, Genç B, Pirimoğlu B, Cullu N, Kızrak Y, Yılmaz O, Karabulut N. Perfusion CT imaging of the liver: review of clinical applications. Diagn Interv Radiol. 2014;20(5):379-89.

натижаларга эришилган. 2018 йил 12 февралда илк марта Ўзбекистонда тирик қариндош донордан жигар фрагменти трансплантацияси акад.В.Вохидов номидаги РИХИАТМ да бажарилган. Бу ходиса жаҳон тиббиёти ривожланишининг замонавий даражасига жавоб берувчи миллий соғлиқни сақлаш йўналиши учун янги қадам бўлди. Шунингдек, трансплантология тизимини мукамаллаштириш учун илмий-асосланган тадқиқот натижалари талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган⁵. Ушбу вазифаларни руёбга чиқариш ҳамда жигар фрагменти қариндошлик трансплантацияси учун донорларни танлаш ва текширишда диагностик аниқлик ва нур ташхисот усулларининг амалий ахамиятини ошириш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги ВМ-266 сонли «Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва жамоат соғлиқни сақлаш илмий-текширув институти фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги ВМ-859-сонли «Буйраклар ва (ёки) жигарнинг яқин қариндошлик трансплантациясини тартибга солиш вақтинчалик қарори», ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тирик донордан жигар трансплантацияси жигар хасталигининг терминал босқичи билан беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг энг самарали усулига айланган. Бундан ташқари, ташрихдан кейинги асоратлар трансплантациянинг узоқ муддатли ютуқларини чеклаши мумкин. Клиник жихатдан ахамиятли асоратларга жигарнинг веноз димланиши, артериал ва веноз тромбози ва стенози, ўт чиқишининг бузилиши, суюқликнинг тўпланиши, трансплантат хосиласи ва кўчиши киради. Шунини инобатга олиш керакки, жигарнинг қариндошлик трансплантацияси донор соғлиғи учун потенциал хавф билан боғлиқ бўлиб, маълум скептицизм чақиради ва бир қатор этик масалалар юзага келтиради. А.Sharma ва бошқ. (2013) маълумотларига кўра, «билиар тизим томонидан ташрихдан кейинги асоратлар 1-70% донорларда юзага келиб, тирик донорлар

⁵ "Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

жигарида касалланишнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади; реконструкцияланган ўт йўлларида ўт оқиб чиқиши ва уларнинг стриктурасини ўз ичига олади»⁶. Янги авлоддаги компьютер томография дастурий таъминоти техникасини ва ташхислаш самарадорлигини мукамаллаштиришда тасвир сифати ортади, трансплантациядан олдин ва кейин аъзонинг структур-анатомик хусусиятлари ва перфузион кўрсаткичларини юқори аниқлиги билан имконият юзага келади⁷. J.H. Yoon ва бошқ. (2014) фикрича, «посттрансплантацион даврда асоратларни эрта ташхислашда визуализациянинг замонавий усуллари муҳим аҳамият касб этади, бунда КТ-перфузия усули қулай ҳисобланади, визуализациянинг машхур усуллари жигар трансплантати паренхимасидаги гепатоцитлар зарарланишини миқдорий баҳолашни намоён қила олмайди»⁸. Юқорида санаб ўтилган диагностик тадбирлар ҳисобига олинган маълумотлар нафақат жигар трансплантациясини ўтказиш имконини аниқлаш, балки донор-реципиент жуфтликдаги потенциал асоратлар хавфини камайтириш имконини беради

Хозирда жигар, жигар артериялари, веналари ва ўт йўллари МРТ-текшируви ва ҳажмий КТ-ангиографияси соҳасида етарлича малака тўпланган. Бироқ, S. Dushyant ва бошқ. маълумотларига кўра, «яқин қариндош донор жигари томир анатомиясини ўрганиш бўйича ўтказиладиган селектив ангиография МСКТ га нисбатан бир қатор камчиликларга эгаллиги сабабли иккинчи қаторга ўтган эди. Асосий камчиликлардан бири усулнинг инвазивлиги, юбориладиган контраст препарат ҳажмининг катталиги ва қон кетиш, сон артерияси травматик аневризмаси, тромбоемболия, невралгия, аллергия реакциялар каби асоратлар юзага келиш хавфининг юқорилигидир»⁹. Маълумотларга кўра, «жигар перфузиясини визуализациялаш тирик донор трансплантациясидан кейин жигар ўнг булаги трансплантатидаги гемодинамик ўзгаришларни миқдорий баҳолаш имконини беради, шунинг билан бирга, қон томир бузилишларини эрта аниқлашга сабаб бўлади¹⁰». Бироқ адабиётларда перфузия кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ва функционал рангли карталарни миқдорий баҳолаш билан бирга жигар артериялари дистал қисмларидаги микроэмбола мавжудлигини кўрсатиб берувчи функционал КТ-перфузия аниқлилик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича мақсадли тадқиқотлар мавжуд эмас. D. Hani ва бошқ. (2014) таъкидлашicha, «жигар гемодинамикасидаги минимал посттрансплантацион ўзгаришларни аниқлаш КТ-перфузиянинг мураккаб масалаларидан ҳисобланади. Перфузион нур ташхисотининг яна бир

⁶ Sharma A, Ashworth A, Behnke M, Cotterell A, Posner M, Fisher RA. Donor selection for adult-to-adult living donor liver transplantation: well begun is half done. *Transplantation*. 2013;95(3):501-506.

⁷ Lim MC, Tan CH, Cai J, Zheng J, Kow a. WC. CT volumetry of the liver: Where does it stand in clinical practice? *Clin Radiol*. 2014;69(9):887-895.

⁸ Yoon J.H., Lee J.M., Jun J.H. et al. Feasibility of three-dimensional virtual surgical planning in living liver donors. *Abdom. Imaging*. 2014. doi:10.1007/s00261-014-0231-9.

⁹ Dushyant S., Apara M., Michael B., Srinivasa P., Gordan H., Sanjay S. Preoperative Hepatic Vascular with CT and MR Angiography Implications for Surgery. *RadioGraphics*, 2004;24:1367-1380

¹⁰ Henedige T, Anil G, Madhavan K. Expectations from imaging for pre-transplant evaluation of living donor liver transplantation. *World J Radiol*. 2014 Sep 28;6(9):693-707.

хал қилинмаган жихатларидан бири жигар трансплантати қон томир асоратлари ва сурункали кўчишини эрта башорат қилиш мезонларини тадбиқ этишдир»¹¹.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар тахлил қилинганда, сўнгги ўн йилликда потенциал донорни баҳолашга бағишланган тавсияларда деярли ўзгаришлар кузатилмаган, ва уларнинг барчаси 3 та муҳим кетма-кетликдаги қадамлардан: бирламчи скрининг, донор соғлиғи учун хавфни инобатга олган ҳолда комплекс тиббий баҳолаш, ҳамда аниқ реципиент учун потенциал трансплантат мослигини баҳолаш киради. Жигар хасталикларини ташхислашдаги ҳажмий КТ-ангиография имкониятларига бағишланган ишлар сонининг чекланганлиги, жигар трансплантацияси фаол вазифасидаги дастур шароитида қариндош донорларнинг гепатобилиар тизимини комплекс ташхислаш усулларини мукамаллаштиришдаги талабнинг юқорилилиги ушбу тадқиқотни олиб боришда долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот иш режаларининг «Портал гипертензияли жигар циррози асоратларини жаррохлик йўли билан даволашга концептуал асослар ва илмий-услубий ёндашувларни шакллантириш» мавзусидаги № ССВ-Ф-031-сон лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 й.).

Тадқиқот мақсади трансплантат олиш учун жигар фрагменти резекцияси ташрихини режалаштиришда тирик қариндош донорларда ҳажмли МСКТ-ангиография имкониятларини аниқлашдан иборат

Тадқиқот вазифалари:

донорлардаги жигарнинг вариантли қон томир анатомиясини аниқлашда ҳажмли МСКТ-ангиография имкониятларини ўрганиш;

донорлардаги ўт чиқарув йўллари вариантли анатомиясини аниқлашда МР-холангиографиянинг диагностик аниқлилиги ва сезгирлигини ўрганиш;

жигар фрагменти резекцияси учун режалаштирилаётган ҳажм (масса) ни баҳолашда ҳажмли жигар МСКТ-ангиографиясининг диагностик аниқлилигини аниқлаш;

жигар трансплантациясидан олдин ва кейин донор ва реципиентдаги жигарнинг кам дозали ҳажмли МСКТ-перфузиясининг ахамияти ва ўрнини аниқлаш;

донор жигар фрагменти КТ ва МР-ташхисоти мониторинги алгоритмини тадбиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2018-2020 йиллар давомида акад. В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳамда Yashoda (Хиндистон) клиникасида текширувдан ўтган ва даволанган 88 нафар потенциал соғлом донорлар ва 16 нафар реципиентлар хизмат қилган.

¹¹ Hani D., Mehta A., Blake M., Prasad S., Harris G., Saini S. Preoperative hepatic vascular evaluation with CT and MR angiography: implications for surgery. RadioGraphics 2004; 24(5):1367-1380.

Тадқиқот предмети жигар фрагменти қариндошлик трансплантацияси учун донорларни танлаб олишда хажмли МСКТ-ангиография ва МР-холангиография маълумотлари ишончилигини таҳлил этиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган масалаларни ҳал этиш учун қуйидаги усуллардан: умумклиник, инструментал (мультиспирал компьютер томография, магнит-резонанс томография) статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жигар қариндошлик трансплантацияси учун қон томирларнинг жигар ичи ангиоархитектониясининг анатомик-топографик хусусиятларини ва турланишини аниқлаштиришда донорларни томографик текширишнинг технологик жиҳатлари ва патогномик мезонлари аниқланган;

жигар паренхимаси ҳолати, артериал ва веноз оқим ҳолати хусусиятларини баҳолашда хажмли МСКТ-ангиография усулининг диагностик қиймати ва информативлиги аниқланган;

қариндошлик гепатотрансплантациясининг тактик жиҳатларига таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятларни аниқлаш билан хажмли МСКТ-вольюметрия ўтказишда жигарнинг перфузион ҳолати ва хажмини баҳолашнинг махсус мезонлари аниқланган;

трансплантациядан кейинги даврда артериал ва портал перфузия хажмини динамик тақсимланишини миқдорий баҳолаш билан донор ва реципиент жигаридаги перфузион кўрсаткичлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

томографик текширув ўтказишнинг техник жиҳатларини мукамаллаштириш билан бирга жигар трансплантацияси учун потенциал қариндош донорда ангиоархитектоникани ўрганишда жигарнинг МСКТ-ангиографиясидан фойдаланишнинг диагностик имкониятлари ва қулайликлари аниқланган;

жигар артериялари, дарвоза ва жигар веналари ҳолатини баҳолашда ва тузилиш турларини аниқлашда жигар МСКТ-ангиографиянинг юқори аниқлилиги ва кенг диагностик имкониятлари кўрсатиб берилган;

ташрих амалиёти (жигар резекцияси) тактикасини танлашни ва қариндош донорлардан жигарнинг етарли фрагментини олишни мукамаллаштиришда таклиф этиладиган трансплантат ва жигарнинг иккала бўлаги хажмини (масса) аниқлаш учун МСКТ-вольюметрия қўллашнинг аниқлилиги очиб берилган;

трансплантациядан олдинги ва кейинги даврда қариндош донор ва реципиент жигарининг перфузион кўрсаткичларини аниқлаш учун МСКТ-ангиография ўтказишнинг мақсадли ва клиник ахамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Натижаларнинг ишончилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, таъхислашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлардан ва статистик таҳлил жамланмасидан тўғри фойдаланишга асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материалда бажарилган. Диссертацияда кўриб чиқилган вазифаларни ҳал этиш усуллари жигар трансплантацияси учун потенциал донорларни текширишга замонавий илмий-амалий тасаввурлар ва

ёндашувларга асосланади. Кўриб чиқилган вазифаларни хал этиш тиббий статистиканинг замонавий синалган усуллари билан бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар назарий аҳамиятга эга бўлиб, донор жигари ички қон томир архитектурасининг анатомик-топографик хусусиятларини аниқлашнинг патогномик мезонларини ўрганишда, трансплантациядан кейинги даврда артериола ва портал перфузия ҳажмининг динамик тақсимланишини миқдорий баҳолаш билан жигар трансплантати перфузион кўрсаткичларининг хос хусусиятларини аниқлаш билан бирга, трансплантациядан олдинги ва кейинги артериал ва веноз қон айланиши ўзгаришларини аниқлашда ўз хиссасини қўшади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган таҳлил трансплантациядан олдинги ва кейинги даврда қариндош донор ҳамда реципиент жигарининг перфузион кўрсаткичларини аниқлаш учун МСКТ-ангиография ўтказишнинг мақсадли ва клиник аҳамиятини асослаш, томографик текширувни ўтказишнинг техник жихатларини мукамаллаштириш, жигар артериялари, дарвоза ва жигар веналари ҳолатини ўрганиш ва турларини аниқлашда ушбу усулнинг қулайликларини аниқлаш ҳамда ташрих амалиёти тактикасини танлашни ва қариндош донорлардан жигарнинг етарли фрагментини олишни мукамаллаштиришда таклиф этиладиган трансплантат ва жигарнинг иккала бўлаги ҳажмини аниқлаш учун МСКТ-вольюметрияни қўллашнинг аниқлиги очиб бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жигар трансплантациясига мухтож беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли жаррохлик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Жигар фрагменти қариндошлик трансплантацияси учун донорларни текширишда ҳажмли МСКТ-ангиография самарадорлигини баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 8н-з/145-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар жигар фрагменти қариндошлик трансплантацияси учун донорлар танлаб олишда даволаш-диагностик тактикани мукамаллаштириш имконини берган;

жигар фрагменти донорларини ташрихдан олдинги текширувда кўрсатиладиган ихтисослаштирилган ёрдамни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, хусусан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва «Fedorovich Klinikasi» ОАЖ ҚК (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги №8н-з/145-сон маълумотномаси) амалий фаолиятига жорий қилинган. Трансплантат олиш учун жигар фрагменти резекцияси ташрихини режалаштиришда тирик қариндош донорларни текширишда комплекс ёндашув ҳажмли МСКТ-ангиография имкониятларини аниқлаш, усулнинг сезгирлигини жигар артериялари учун 93,3% гача, портал вена учун 92,8% гача, жигар веналари учун 93,7% гача аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан, 5 та журнал мақола, шулардан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, яқунлар, хулосалар, амалий тавсиялар ва иқтибослашган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисми** диссертация ишининг долзарблилиги, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилик ва тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар вадиссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигар фрагменти қариндошлик трансплантацияси учун донорларни текширишда хажмли МСКТ-ангиография хусусиятлари**» номли биринчи бобида тирик қариндош донордан жигар трансплантациясини ривожлантиришнинг ижтимоий-тиббий аспекти, қариндош донорларни текширишда жигар МСКТ-ангиографияси ва МР-холангиографиянинг ўрни ҳамда перооперацион даврда донор ва реципиентдаги жигарнинг хажмли МСКТ-перфузияси аҳамиятига бағишланган масалалардан иборат 3 та кичик боблардан ташкил топган адабиётлар шархи келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва донорларни текшириш усуллари**» номли иккинчи боби беморлар тавсифи ҳамда тадқиқотда фойдаланилган усулларга бағишланган. Иш 2017-2020 й. даврида “академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” да жигар фрагментига эга бўлган 88 нафар потенциал донорларни (53 эркак ва 35 аёл) текширишга асосланган. Жигар фрагментини олиш мақсадида 88 нафар текширувдан ўтган потенциал донорлардан 16 (18,2%) тасида ташрих амадиёти бажарилган. «акад. В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» да 6 та жигар трасплантацияси ўтказилган, қолган 10 нафар беморлар Yashoda (Индия) шифохонасида ташрих қилинган. Ретроспектив таҳлил 2018 йил 10 октябрдаги №3-сонли хамкорлик ҳақидаги меморандум асосида ўтказилган. Улардан 12 тасида – ўнг булак (ЎБ), 4 тасида – жигарнинг чап бўлаги (ЧБ) ўтқазилган. Барча донорларга сканерлашнинг

натив, артериал, портал ва веноз фазасини олиш билан КТ-ангиография, ҳамда хажмли перфузион КТ ва МР-холангиография ўтказилган.

Барча текширувлар кенг детекторли 640 кесмали «Aquilion One – 640» версии Genesis (Canon Medical Systems, Япония) МСКТ аппаратида бажарилган. Ушбу тизимнинг асосий қулайлиги 0,275 сония ичида 16 см гача сохани хажмли сканерлаш бўлиб, қисқа вақт ичида столни сурмасдан, унинг натижасида ҳаракатдаги артефактларсиз текширув ўтказиш имконини беради. Жигарнинг КТ-ангиографиясида кейин МРГХ текшируви ўтказилган. Ушбу ҳолатда магнит майдони 1,5 Т кучланишли Signa HDxt аппаратидан фойдаланилган (GE, АҚШ).

Диссертациянинг «Жигар фрагменти трансплантациясида жигар МСКТ-ангиографияси ва МРГХ маълумотлари натижалари» номли учинчи бобида қариндош донорлар жигари КТ-ангиографияси натижалари, хусусан, жигар паренхимасини баҳолаш, жигар артериялари, дарвоза венаси ва жигар веналари КТ-визуализацияси ва МРГХ маълумотлари натижалари, таклиф этиладиган жигар фрагменти волюметрияси ҳисоби ва интраоперацион маълумотлар келтирилган. Жигардаги артериал ва портал қон оқими хусусиятлари, ҳамда жигар веналари анатомиясини баҳолаш учун айнан жигар трансплантацияси йўналишида ишлаб чиқилган Готье С.В. ҳаммуал. даги тавсиялар қўлланилган.

I (классик) турига қуйидаги вазият киради – умумий жигар артерияси (УЖА) қорин устунидан чиқиб, сўнгра жигарнинг хусусий артерияси (ЖХА) ошқозонга шох беради (ўнг ошқозон артерияси) ва жигар дарвозаси олдида бўлакли шохларга бўлинади. Шунга мос равишда, жигар бўлақларида томир чап жигар артериясига (ЧЖА) ва ўнг жигар артериясига (ЎЖА) бўлинади. Ушбу жигарнинг қон билан таъминланиш тури 54 нафар (61,3%) донорларда аниқланган. II турида жигарнинг артериал архитектоникасида ЖХА ва ошқозон-ўн икки бармоқ ичак артериясига тармоқланиш йўқлиги кузатилади, трифуркация қўринишидаги ЎЖА ва ЧЖА 6 нафар донорларда аниқланган (6,8%). III тури (чап ошқозон артериясидан чиқувчи жигарнинг чап бўлагини қон билан таъминловчи қўшимча шохларнинг бўлиши, бироқ бунда қорин устунининг классик бўлиниши сақланган бўлади) 13 нафар донорларда аниқланган (14,7%). IV тури (юқори тутқич артериялари бассейнидан чиқувчи жигарни қон билан таъминловчи айрим артерияларнинг тарқалиши) 12 нафар донорларда кузатилган (13,6%). Жигар артериал архитектоникасининг V тури энг мураккаб бўлиб (қон билан таъминланишнинг аралаш ёки тарқоқ тури) 3 нафар донорларда аниқланган (3,4%).

Портал қон айланишини ва дарвоза венаси шохланиши турини баҳолаш қариндош донорларни танлаб олишда муҳим аҳамият касб этади, чунки жигар резекциясида паренхиманинг ажратиш юзаси айнан ДВ шохланишига боғлиқ ҳолда кечади. Бизнинг тадқиқотда кўпинча ДВ юқори тутқич, пастки тутқич ва талоқ венаси, унинг ортидан ошқозон ости беги бошчаси бирикишидан ҳосил бўлган. Сўнгра ДВ ўн икки бармоқли ичак орқасидан ўтиб, юқорига ва ўнгга йўналган ҳолда жигар-ўн икки бармоқли ичак бойлами таркибида жигар паренхимасига етиб борган.

Готье С.В. (жигар дарвозасида дарвоза венасининг (ДВ) типик бифуркацияси, «классик тури») таснифи бўйича дарвоза тизими анатомиясини аниқлашда I тури 81,8% нафар потенциал донорларда аниқланган. II тури (ДВ трифуркацияси холати билан, 3 шохга, ўрта шох V ива VIII сегментларга бўлиниши) 9,1% донорларда аниқланган. III турига 5,68% холат киритилган (ўнг парамедиан веналар транспозицияси аниқланган). IV турига классик бифуркация билан бирга жигарнинг I сегментига борувчи кўплаб майда шохчаларнинг бўлиши 3,4% холатда аниқланган.

Жигар веналарининг визуализацияси шуни кўрсатдики, I «классик» тури (ўнг, ўрта ва чап жигар веналари пастки ковак венага (ПКВ) алохида холда қўйилади), кўпроқ кузатилган (55,6%). II тури (ўнг жигар венаси алохидалашган холда ПКВ қўйилади, ўрта ва чап жигар веналари эса умумий тармоқ билан ПКВ га келиб тушади) 28,4% холатда кузатилган. III тури (ўнг жигар венасининг алохидалашган холда тушиши, ўрта ва чап жигар веналари бирлашиб, ягона устун хосил қилади) 15,9% холатда аниқланган.

Тадқиқотимизда аниқланган қўшимча веналар вариантлари қўйидагиларни ташкил этган. Ўрта венага келиб тушувчи жигарнинг VIII сегментидан чиқувчи қўшимча шохча 24 (27,3%) донорларда аниқланган. Жигар ўнг бўлаги V ёки VI сегментидан чиқувчи қўшимча пастки ва юқори шохчаларнинг бўлиши 15 (17%) донорларда кузатилган. Жигарнинг II сегментидан чиқувчи ва мустақил тарзда ПКВ қўйилувчи қўшимча шохчанинг бўлиши 8 (9,0%) донорларда кузатилган. Қўшимча юқори ўнг жигар шохчаси 7 (8%) донорларда аниқланган.

Жигар йўллари анатомияси МРТ-холангиографиядан фойдаланган холда ўрганилган. МРГХ да жигар фрагменти потенциал донорлиги аспекти билан асосий анатомик тамойилларга асосланган холда бўлакли йўлларга, умумий жигар йўли (УЖЙ) топографик вариантларига, ўт пуфаги йўли чуқурчасига ва умумий ўт йўли топографиясига эътибор қаратишга эришилган. Классик тури (I тури) умумий жигар йўлининг (УЖЙ) 4 та юқорида кўрсатилган тузилмалардан шаклланганлиги билан тавсифланади ва кўплаб донорларда - 85,2% холатда аниқланган. II тури (икки ўнг (олдинги ва орқа) ва битта чап жигар йўли бирикиши ҳисобига УЖЙ шаклланиши) - 4,5% холатда аниқланган. Билиар анатомиянинг III тури (3 та йўл бирикиши ва V ива VI сегмент йўллари алохида келиб тушиши ҳисобига а формироваУЖЙ шаклланиши) 6,82% холатда кузатилган. IV тури (бўлакли йўллар бирикадиган соҳада IV ва I сегмент йўллари алохида қўйилишида икки йўл (ўнг ва чап) бирлашиши ҳисобига УЖЙ шаклланиши) 3,4% холатда аниқланган. Артериал, портал, кавал ангиоархитектоника турлари ва билиар анатомия бўйича донорларнинг тақсимланиши жадвал №1 да келтирилган.

Тадқиқотимизда аниқланган қўшимча веналар вариантлари қўйидагиларни ташкил этган. Ўрта венага келиб тушувчи жигарнинг VIII сегментидан чиқувчи қўшимча шохча 24 (27,3%) донорларда аниқланган. Жигар ўнг бўлаги V ёки VI сегментидан чиқувчи қўшимча пастки ва юқори шохчаларнинг бўлиши 15 (17%) донорларда кузатилган. Жигарнинг II сегментидан чиқувчи ва мустақил тарзда ПКВ қўйилувчи қўшимча шохчанинг


бўлиши 8 (9,0%) донорларда кузатилган. Қўшимча юқори ўнг жигар шохчаси 7 (8%) донорларда аниқланган.

Жадвал №1

Артериал, портал, кавал ангиоархитектоника турлари ва билиар анатомия бўйича донорларнинг тақсимланиши (n=88)


Анатомик тақсимланиш турлари	мутл.	%
Жигар артериал анатомияси вариантлари		
I тури	54	61,36
II тури	6	6,82
III тури	13	14,77
IV тури: ЮТА дан чиқувчи УЖА	3	3,4
ЮТА дан чиқувчи ўнг бўлак, ЖХА чиқувчи чап бўлак	7	7,95
Классик анатомия + ЮТА чиқувчи ўнг бўлак	2	2,27
V тури	3	3,4
Жигарнинг портал қон айланиши вариантлари		
I. Классик тури	72	81,82
II. ДВ трифуркацияси	8	9,1
III. ўнг парамедианали веналар транспозицияси	5	5,68
IV. ДВ бифуркацияси ва I сегментга келувчи шохчаларнинг бирга келиши	3	3,4
Веноз оқим вариантлари		
I тури (жигар веналари алоҳида қуйилади)	49	55,6
II тури (чап ва ўрта веналарнинг умумий тармоғи)	25	28,4
III тури (чап ва ўрта веналарнинг умумий устун)	14	15,9
Умумий ўт йўли шаклланиши вариантлари		
I тури (йўллар бирлашишининг классик тури)	75	85,23
II тури (иккита ўнг ва битта чап ўт йўли бирлашиши хисобига УЖЙ)	4	4,5
III тури (икки йўл ва V ва VI сегментларга алоҳида келиб қуйилувчи УЖЙ)	6	6,82
IV тури (иккита йўл ва IV ва I сегментларга алоҳида келиб қуйилувчи УЖЙ)	3	3,4

МСКТ- волюметрия натижаларига кўра, жигар ўнг бўлаги тахминий фрагменти хажми тахминан 560-1220 грамм бўлиб, бутун жигар хажмининг 51,2 дан 57,4% ташкил этган. Жигар чап бўлаги тахминий хажми 240 дан 670 грамм орасида бўлиб, бутун жигар хажмининг 21 дан 37% ташкил этган (расм 1).



Расм 1. МСКТ - волюметрия. Жигар чап бўлаги хажми


МСКТ волюметрик маълумотлари бўйича нисбий кўрсаткичлардаги фарқлар чап бўлак учун $7,9 \pm 3,9\%$ ва ўнг бўлак учун $10,6 \pm 6,1\%$ ташкил этган, шунга мос равишда мослик фоизи $92,1 \pm 3,9\%$ ва $89,4 \pm 6,1\%$ ташкил этган (расм 2).



Расм 2. КТ ва трансплантация учун жигар фрагменти ташрихида чин маълумотлари бўйича ҳисоб нисбатининг нисбий кўрсаткичи


Диссертациянинг «Қариндош донор ва реципиентлар жигари хажмли МСКТ-перфузияси натижалари номли тўртинчи бобида трансплантациядан олдин ва кейинги босқичда қариндош донор ва реципиентлар жигари хажмли МСКТ-перфузияси натижалари келтирилган.

Талок зичлигининг ортиш чўққисигача бўлган вақт (кўрсаткич) артериал ва протал веноз фаза бўлиниши учун ишлатиладиган жигарнинг АФ охири ва РҒ бошланишини кўрсатади. Хар бир фазада хигар вақти интенсивлиги эгрилигининг максимал букилиши (SA ёки SP) АФ, каби РҒ да ҳам ҳисоблаш учун чўққили аортал ва протал кучайишга бўлинади (расм 3).



Расм 3. Перфузион эгриликлар

88 нафар потенциал донорлардан, 81 (92%) тасида жигар перфузияси қониқарли деб баҳоланган. Ушбу гуруҳдаги беморларда гемодинамикадаги ўзгаришлар аниқланмаган. 7 (7,95%) ҳолатда жигар перфузияси пасайган бўлиб, бунда кўпроқ PF пасайиши кузатилган. Шунга кўра, ушбу гуруҳдаги беморларга потенциал донор бўлиш тавсия этилмаган. Текширув давомида 4 (4,6%) потенциал донорларда турли ўлчамдаги жигар гемангиомалари аниқланган. Ушбу гуруҳдаги беморлар жигари КТП олинган маълумотлари таҳлил этилганда, жигар КТП ўртача кўрсаткичи: АФ – 46,0 мл/100 мл³/дақ., PF – 220 мл/100 мл³/дақ., НРІ –19,5% ташкил этган. Ушбу текширувни бажариш вақтида 16 беморда жигар фрагментининг қариндошлик трансплантацияси ўтказилган. Жигар фрагменти трансплантациясидан кейин барча реципиентларга жигар фрагменти перфузиясини баҳолаш ва натижаларини солиштириш учун жигар ПКТ ўтказилган (расм 4).



Расм 4. Трансплантациядан кейин реципиентнинг перфузион картаси

Жигар перфузияси кўрсаткичларини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқландики, барча учала мезонлар бўйича реципиентларда (артериал ва портал перфузия, жигар перфузияси индекси) соғломлардан (донорлар) кўра анчагина орқада қолиш аниқланган. Унга кўра, жигар ичи блоки фонид

портал перфузия хажми камроқ бўлиб, донорларда $150,2 \pm 4,0$ мл/100мл³/дақ. қарши $180,5 \pm 2,4$ мл/100мл³/дақ ($p < 0,001$) ташкил этган. Бунда минимал кўрсаткич 125,8, максимал – 192,4 мл/100мл³/дақ ташкил этган. ТП ўтказишдан кейинги жигар перфузияси кўрсаткичлари қисман яхшиланган, бу ушбу динамик кузатувдаги усулнинг юқори сезувчанлигидан дарак беради. Асосан, портал перфузия $185,6 \pm 4,7$ мл/100мл³/дақ ортиб, кўрсаткичларлар турлича бўлиши $35,4 \pm 3,5$ мл/100мл³/дақ ($p < 0,001$) ўртача ўсиши билан намоён бўлган. Бу кўрсаткичлар донорлардаги маълумотларига қараганда, фарқларда аниқлиликка эга бўлмаган ($p > 0,05$) (жадвал №2).

Жадвал №2

ЖТ олдин а кейин реципиентлардаги портал перфузиянинг динамик кўрсаткичлари (мл/100мл³/дақ.)

Кўрсаткич	Реципиентлар			Донорлар
	т/о	т/к	Фарқ	
n	16	16	16	88
M	150,2	185,6	35,4	180,5
δ	15,9	19,0	14,0	22,1
m	4,0	4,7	3,5	2,4
Максимум	192,4	225,3	60,0	230,5
Минимум	125,8	156,9	13,7	139,8
t-мезонлар*	10,14; $p < 0,001$			-
t-т/о гуруҳлар орасидаги мезон				6,58; $p < 0,001$
t-т/к гуруҳлар орасидаги мезон				0,96; $p > 0,05$


Изох: * t-мезон танловни кўра ҳисобланган

Шуни таъкидлаш лозимки, агар донорларга нисбатан реципиентлардаги портал перфузиянинг ўртача кўрсаткичи 16,8% кам бўлса, трансплантациядан кейин бу нисбий кўрсаткич ошган ва донорларга нисбатан 2,8% юқори бўлган бўлиб, портал оқим қониқарли ахволда эканлигидан дарак беради. Бунда портал перфузиянинг ўртача ўсиши $24,0 \pm 2,6\%$ кўрсаткичларнинг 9,6 дан 40,2% гача нисбати билан кузатилган.

Портал қон оқими пасайиш фонида артериал перфузия компенсатор равишда ортган ва агар соғлом одамларда бу кўрсаткич $20,8 \pm 0,7$ мл/100мл³/дақ ташкил этган бўлса, ЖЦ да – $34,1 \pm 1,1$ мл/100мл³/дақ ($p < 0,001$) ташкил этган. ЖТ дан кейин портал қон оқими хажми меъёрлашиши ҳисобига артериал перфузия пасайган ва $21,8 \pm 0,6$ мл/100мл³/дақ ташкид этган. Бунда ЖТ олдин ва кейин кўрсаткичлардаги фарқ ўртача $-7,9-19,6$ мл/100мл³/дақ, $-12,3 \pm 0,9$ мл/100мл³/дақ ташкил этган ($p < 0,001$). Бу кўрсаткичлар портал перфузияга нисбатан донорлардаги маълумотларга солиштирилганда, ҳеч қандай аниқликка эга бўлмаган ($p > 0,05$).

КТ маълумотлари бўйича реципиентлардаги жигар перфузияси кўрсаткичларини динамик баҳолашда умумлаштирилган олинган натижалар қуйидагиларни кўрсатади. Донорлардаги кўрсаткичларга нисбатан ЖТ олдин реципиентлардаги артериал перфузия кўрсаткичи 64% юқори бўлиб, ЖТ дан


кейин бу кўрсаткич 4,85 фарқ қилган, бу эса ноаниқлигини билдирган. Ўз навбатида, портал перфузия 16,8% пастроқ бўлиб, ЖТ дан кейин соғлом одамларга нисбатан 2,8% ошган. Жигар перфузияси индексида ҳам маълум ўзгаришлар кузатилган ва донорларда ташрихгача 81,8% юқори бўлган бўлса, ЖТ дан кейин бу фарқ 12,3% ташкил этган (расм 5).



Расм 5. Донорлардаги кўрстакларга нисбатан реципиентлардаги жигар перфузияси кўрсаткичларининг нисбий аҳамияти

Жигар артериал қон билан таъминланиши ўрганилганда, КТ-ангиография маълумотлари интраоперацион шароитда 93,3% ҳолатда, портал оқим вариантлари 92,8% ва веноз оқим 93,7% ҳолатда тасдиқланган. КТ волюметрик маълумотлари бўйича фарқларнинг нисбий кўрсаткичи чап бўлак учун $7,9 \pm 3,9\%$ ва ўнг бўлак учун $10,6 \pm 6,1\%$, шунга мос равишда, мослик фоизи иккала бўлак учун $92,1 \pm 3,9\%$ ва $89,4 \pm 6,1\%$ ташкил этган. МРГХ да жигар йўллари тузилиши турлари 93,7% ҳолатда ташрих ўтказилган донорларда интраоперацион маълумотлар билан мос келган, бу эса далилларга асосланган тиббиёт талабларига мос келади ва жигар фрагменти трансплантациясиу чун донор танлашда диагностик алгоритм ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўтказилган таҳлил қон томир ва билиар тизим анатомик вариантини, ҳамда жигар МСКТ-волюметрияси ва перфузияси маълумотларини инобатга олиб, ЖФТ учун потенциал қариндош донор танлашнинг асосий мезонларини аниқлаш имконини берган. Шунга кўра, энг мақбул донор танлаш ва интраоперацион асоратлар частотасини камайтириш учун жигар ангиоархитектоникаси ва билиар йўллари тузилишининг турли вариантлари, ташрих амалиётидаги ва донор ва реципиентнинг реабилитацион даврдаги техник қийинчиликларни олдини олиш имконини берувчи жигарнинг тахминий трансплантати ва перфузияси массасини аниқлаш асосида донор жигар фрагментини танлашнинг диагностика алгоритмини тадбиқ этиш лозим (расм 6).



Расм 6. Жигар фрагменти қаришдошлик трансплантацияси учун донор танлашда диагностик алгоритм

Жигарнинг артериал қон айланишини ўрганишда МСКТ-ангиография маълумотлари интраоперацион тарзда 93,3% ҳолатда, портал оқим вариантлари 92,8% ва веноз оқим 93,7% ҳолатларда тасдиқланган. МСКТ волуметрик маълумотлари бўйича фарқларнинг нисбий кўрсаткичи чап бўлак учун $7,9 \pm 3,9\%$ ва ўнг бўлак учун $10,6 \pm 6,1\%$, шунга мос равишда, мослик фоизи иккала бўлак учун $92,1 \pm 3,9\%$ ва $89,4 \pm 6,1\%$ ташкил этган. МРХГ да жигар йўллари тузилиши турлари 93,7% ҳолатларда ташрих ўтказилган донорларда интраоперацион маълумотлар билан мос келган, бу эса далилларга асосланган

тиббийёт талабларига мос келади ва жигар фрагменти трансплантацияси учун донор танлашда диагностик алгоритм ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

1. Жигар фрагменти резекциясида интраоперацион кўрсатакичлар билан қариндош донор жигар фрагменти қон томирлари ҳажмли МСКТ-ангиографияси маълумотлари солиштириб кўрилганда, бизнинг маълумотлар бўйича усул сезгирлигининг ортиши жигар артерияси учун 93,3% гача, портал вена учун 92,8%, жигар веналари учун 93,7% кузатилган. Бошқа томондан, ҳажмли сканерлаш ҳисобига (16 см), нур юкламасининг пасайиши ($ED=10,81\text{mSv}(k=0.015)$), сканерлаш вақтининг қисқариши (4 фазада сканерлашда 60 сониягача ва перфузион текширувда 75 сониягача, тасвир сифати камаймаган ҳолда) донорларда ҳам, реципиентларда ҳам мақбул текширувни таъминлайди.

2. МСКТ-волюметрияда донор жигарининг тақлиф этиладиган фрагменти ҳажмини ҳисоблаш ўнг бўлак учун $772,5\pm 58,6$ г, чап бўлак учун $450\pm 103,7$ г ташкил этган (МСКТ волюметрик маълумотлари бўйича фарқларнинг нисбий кўрсаткичи чап бўлак учун $7,9\pm 3,9\%$ ва ўнг бўлак учун $10,6\pm 6,1\%$, шунга кўра, мослик фоизи иккала бўлак учун $92,1\pm 3,9\%$ ва $89,4\pm 6,1\%$ ташкил этган).

3. Ташрихдан олдин ва кейин реципиентлардаги жигар МСКТ-перфузиясини баҳолашда жигар трансплантациясидан кейин жигар перфузияси индексининг (НРІ) 25,1% дан 15,5% га камайиши кузатилган, бу “шартли” меъёрга яқин кўрсаткич деб олинган, айнан: arterial flow 20,8 мл/100мл³/дақ.; portal flow 180,5 мл/100мл³/дақ.; hepatic perfusion index 13,8 %.

4. МР-холангиография, ҳажмли МСКТ-ангиография, КТ-перфузия, ҳамда МСКТ-волюметрияни ўз ичига олган олган комплекс диагностика асосида, жигар фрагменти қариндошлик трансплантацияси учун потенциал донорларни танлашнинг мақбул диагностик алгоритми ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

ВАХИДОВА НАРГИЗА ТУЛКИНОВНА

**ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБЪЕМНОЙ МСКТ-АНГИОГРАФИИ В
ОБСЛЕДОВАНИИ ДОНОРОВ ДЛЯ РОДСТВЕННОЙ
ТРАНСПЛАНТАЦИИ ФРАГМЕНТА ПЕЧЕНИ**

**14.00.32 – Трансплантология и искусственные органы
14.00.19 – Клиническая радиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.3.PhD/Tib760.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Джураева Нигора Мухсумовна доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Ибадов Равшан Алиевич доктор медицинских наук, профессор Юсупалиева Гулнора Акмаловна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Федеральное государственное бюджетное учреждение «Российский научный центр радиологии и хирургических технологий имени академика А.М. Гранова» Министерства здравоохранения Российской Федерации

Защита состоится «___» _____ 2020 г. в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №118). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2020 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.В. Девятов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (АННОТАЦИЯ ДИССЕРТАЦИИ PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «в настоящее время цирроз печени (ЦП) с портальной гипертензией (ПГ) входит в десятку основных причин инвалидизации и смертности»¹. «Единственным радикальным методом лечения этой патологии является выполнение ортотопической трансплантации печени (ОТП), которая обеспечивает максимальные сроки выживаемости»². При этом в аспекте возможности выбора наиболее оптимального донорского органа несомненным преимуществом обладает ОТП от живого донора, что является важным фактором благоприятного прогноза посттрансплантационного периода. Кроме того, «серьезным преимуществом близкородственной трансплантации фрагмента печени является ее независимость от системы обеспечения органами и, как следствие, независимость планирования сроков оперативного лечения»³. Важнейшим аспектом планирования близкородственной трансплантации печени является подробнейшее обследование выбранного потенциального донора, направленное на минимализацию потенциальных рисков для пары донор-реципиент. На сегодняшний день такие инструментальные методы визуализации, как компьютерная томографическая ангиография (КТ-ангиография) и магнитно-резонансная холангиография (МРХГ), демонстрируют доминирующую роль и высокую информативность в отборе потенциальных доноров. «Главной задачей КТ-ангиографии и МРХГ является уточнение технических возможностей получения полноценного печеночного трансплантата при сохранении адекватного объема остаточной доли печени»⁴.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями остаются изучение особенностей КТ-анатомии сосудов печени и желчных протоков, прогнозирование различных анатомических вариаций, патологических трансформаций паренхимы печени и изменений гемодинамики трансплантата печени. Продолжаются исследования по разработке критериев КТ-волнометрии предполагаемого трансплантата печени, включающие выявление сегментарных вен, склонных к сужению или окклюзии, что может быть использовано для мониторинга развития посттрансплантационных осложнений, своевременной диагностики и лечения, а также может снизить заболеваемость и смертность после трансплантации печени.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводятся меры, направленные на улучшение результатов хирургического

¹ World Health Organization. Liver Cirrhosis: fact sheet no.125. World Health Organization website. 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs346/ru>, accessed March 12.

² Bussutil, R.W. Transplantation of the liver. 3rd edition – Philadelphia: Elsevier Saunders, 2015. P. 1485

³ Tautenhahn HM, Rauchfuß F, Ali Deeb A, Bauschke A, Settmacher U. Lebertransplantation durch Lebendspende [Living related liver transplantation]. Chirurg. 2020. German.

⁴ Oğul H, Kantarcı M, Genç B, Pirimoğlu B, Cullu N, Kızrak Y, Yılmaz O, Karabulut N. Perfusion CT imaging of the liver: review of clinical applications. Diagn Interv Radiol. 2014;20(5):379-89.

